
“Миллий либослар- маънавият кўзгуси”

Марғилон шаҳридаги Хунармандлар марказида “Миллий либослар- маънавият кўзгуси” мавзусида миллий либослар намоиши бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳар хокими А.Зиявитдинов, шаҳар хокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи А.Рахмонов, шаҳар хокимининг хотин қизлар бўйича маслаҳатчиси, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Г.Журабоева, шаҳар отинойиси Р.Исахонова, “Буважонлар мактаби” ўринбосари Х.Сотволдиевалар иштирок этишди.

Тадбир давомида “Gold silk brendi” дизайнери Мастона Ашуралиева ва “Afsona stil” дизайнери Мафтуна Махмудовалар томонидан Марғилон хунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган адрас ва атлас матоларидан яратилган миллий либослар намоиши тақдим этилди.

Шунингдек, шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларининг аълочи, намунали ва фаол қизлари “Халқаро қизлар куни” муносабати билан шаҳар миқёсидаги ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этганлиги учун шаҳар хокимлигининг Фахрий ёрлиғи ва эсталик совғаси билан тақдирланди.

2021-10-15 16:06:53